

## ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАР

Жубанова Байрамгул Аймуратовна  
PhD,

Нукус Инновацион институти  
E-mail: [bayramguljubanova@gmail.com](mailto:bayramguljubanova@gmail.com)

### АННОТАЦИЯ

Мақолада мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти, уни ҳозирги ҳолати, иқтисодиётнинг бозор муносабатларига кириб бориши жараёнидаги турли мулк ва хўжалик юритиш шаклларининг кенг тараққиёти улар молиявий фаолиятини ишлаб чиқариш самарадорлигини рағбатлантириш мақсадларида такомиллаштиришнинг муҳим, долзарб муаммо еканлиги, эришилган натижалар, ривожлантиришни устувор йўналишларига тўқтаб утилган.

**Калит сўзлар:** хусусий тадбиркорлик, иқтисодий ислоҳотлар, кредит линияси, маҳаллабай ишлаш, субсидия, иш ўринлар, драйвер, гаров таъминоти.

### АННОТАЦИЯ

В статье речь идет о предпринимательской деятельности в нашей стране, ее современном состоянии, широком развитии различных форм собственности и управления бизнесом в процессе вхождения в рыночные отношения экономики, о том, что важной, актуальной проблемой является совершенствовать свою финансовую деятельность в целях стимулирования эффективности производства, достигнутых результатов и приоритетных направлений развития.

**Ключевые слова:** частное предпринимательство, экономические реформы, кредитная линия, общественные работы, субсидия, рабочие места, драйвер, залог.

### ABSTRACT

The article focuses on entrepreneurial activity in our country, its current state, the wide development of various forms of property and business management in the process of entering the market relations of the economy, the fact that it is an important, urgent problem to improve their financial activity in order to stimulate the production efficiency, the achieved results, and the priority directions of development.

**Keywords:** private enterprise, economic reforms, line of credit, community work, subsidy, jobs, driver, collateral.

Мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик шаклларини устувор ривожлантириш ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо етишнинг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади. Иқтисодиётнинг бозор муносабатларига кириб бориши жараёнидаги турли мулк ва хўжалик юритиш шаклларининг кенг тараққиёти улар молиявий фаолиятини ишлаб чиқариш самарадорлигини рағбатлантириш мақсадларида такомиллаштиришнинг муҳим, долзарб муаммо еканлигини исботламоқда. Тадбиркорлик фаолиятини ташкил етиш ва уни кафолатловчи ҳукуқий-меъёрий ҳужжатлар, тадбиркорларга қўмаклашувчи нодавлат ташкилотлар, корхоналар шулар жумласига киради. Мамлакатимизда хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес корхоналари мажмуини ташкил етиш муваффақиятли бормоқда.

Мустақиллик йилларида юртимизда тадбиркорликка, айниқса, оиласий тадбиркорликка кенг олиб борилмокта. Иқтисодиётимиз тараққиётига хизмат қилаётган тадбиркорлар сафи тобора кенгайиб, бугун ўз бизнесини йўлга қўйиб, ўзи, оиласи, маҳалла, эл-юрт фаровонлигига муносиб ҳисса қўшаётган тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида юртимиз аҳолиси ўртасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга қизиқиш тобора ортиб бормоқда.

Мамлакатда тадбиркорликнинг барча шаклларини ривожлантиришга қаратилган ягона давлат сиёсати юритилаётганлиги, аҳолини, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш ишлари олиб борилаётганлиги, соҳани ривожлантириш борасида бюрократик тўсиқлар, ғовларни бартараф этилаётганлигидан далолат бериб, иқтисодий ўсишни таъминлашда тадбиркорликни муҳим драйверга айлантиришнинг концептуал ва стратегик ёндашувларини ишлаб чиқишига туртки бўлади. Ушбу йўналишда амалга оширилаётган ислоҳотлар давоми сифатида келгусида тадбиркорликни ривожлантириш, фуқароларнинг бизнес лойиҳа ва ташабbusларини қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳар бир маҳаллада ҳоким ёрдамчиси лавозими йўлга қуяилиб, уларга оиласий тадбиркорлик дастурлари доирасида аҳолига кредит ва субсидиялар учун тавсиянома бериш ваколати берилди. Бу эса ҳар бир маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича тенг имконият берилишининг муҳим омили ҳисобланади.

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича яхлит тизим яратилган ва тадбиркорликнинг барча шаклларини ривожлантиришга қаратилган ягона давлат сиёсатини юритилиб аҳолини тадбиркорлик фаолиятига янада кенг жалб қилиш ва қонуний меҳнат

фаолиятини амалга ошириш учун қўшимча шарт-шароитларни яратиш мақсадида ўзини-ўзи банд қилган фуқаролар тадбиркорликни расмий шакллариға жалб қилиниб, уларга имтиёзли равишда кредит бериш, субсидия ажратиш ва фаолиятини бошлаган дастлабки йилда барча солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан озод этиш, гаров таъминотини тегишли сектор раҳбарлари кафолатлари асосида ёшлар ва хотин-қизларга банк кредитларини бериш тизими жорий этилган.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси, давлатимиз раҳбарининг бу борада изчил амалга ошираётган сиёсати Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ташкил этилиши, республиканинг барча маҳаллаларида тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимларининг ёрдамчилари лавозими таъсис этилганлигида қўришимиз мумкин. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ҳоким ёрдамчилариға берилган ваколат ва хуқуқлар доирасида маҳаллабай ишлаш тизими орқали аҳолига бериладиган қўмак ва ёрдам ҳар бир маҳалла аҳолиси, айниқса, қишлоқ аҳолиси турмуш тарзи ўзгариши, бандлиги таъминланиши ва муқим даромадга эга бўлишида кенг имкониятлар яратмоқда. Тадбиркорликни устувор йўналишлариға оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, норасмий фаолият олиб бораётган кичик бизнес субъектлари фаолиятини расмийлаштириш, бўш ер участкаларини онлайн аукцион савдоларига чиқариш, ҳудудий дастурлар, хотин-қизлар ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, хорижий инвесторлар томонидан амалга ошириладиган лойиҳалар, бўш турган ва тўла қувватда фойдаланилмаётган давлат мулки бўлган обьектлардан самарали фойдаланиш, бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари орқали ажратиладиган кредит линияси ҳамда бошқа йўналишлар киритилган.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ: (REFERENCES)**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида» 2021 йил 3 декабрдаги ПФ-29-сон Фармони
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида» 2021 йил 3 декабрдаги ПҚ-31-сон Қарори
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январда имзоланган "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60 сонли Фармони.